

Assalomu alaykum, azizlar!

MARKAZIY FARG'ONA

YOZYOVON
TUMANI
HOKIMLIGINING
GAZETASI

Бугунги кунда
матбуот иши,
журналистлар
фаолияти нафақат
“тўртинчи
ҳокимият”, балки
мудофаа, хавфсизлик
каби ҳал қилувчи
соҳага айланиб
бормоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Gazeta 1953-yil 9-iyuldan chiqqan boshlagan

www.markaziyfargona.uz



2025-yil, 18-aprel, juma № 11 (7620)

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ



Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда ихтисослаштирилган мактаб ҳамкорлигида умумтаълим мактабларининг 4- ва 6-синфда таълим олаётган ўқувчилар ўртасида “Ҳоким олимпиадаси” бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда 40 та мактабнинг 250 нафар ўқувчиси иштирок этишиб, математика ва инглиз тили фанларидан ғолиблик учун курашишиб, билимларини синовдан ўтказишди.

Якуний натижаларга кўра, 4-синфлар орасида 36-мактаб ўқувчиси Мақсаджон Неъматжонов, 28-мактабдан Ҳамидбой Машраббоев, 24-мактабдан эса Илёсбек Яхёев ғолиб, деб топилдилар. 6-синфлар ўртасида эса 36-мактаб ўқувчиси Авазбек Абдулқосимов, 17-мактаб

ўқувчиси Шодияхон Рустамова, 1-мактабдан Паризода Зокиржоновна ғолиб бўлдилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида туман ҳокими Дилшоджон Джаллилов иштирок этди.

Туман ҳокими юртимизда таълим сифатини ошириш ва ўқувчи ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашда кўплаб ижобий ислохотлар амалга оширилаётганини гапириб, бундай танловлар иқтидорли ўқувчиларни саралаш, уларни фанга тўғри йўналтириш, маҳаллий ва халқаро олимпиадалардаги иштирокларини юзага чиқаришдан иборат эканлигини айтди. Ғолибларга туман ҳокимлигининг дипломи ва эсдалик совғалари тантанали топширилди.

Юсуфжон КАМОЛОВ,
туман ММТБ методисти.

Заковат

ЗУККОЛАР МУСОБАҚАСИ

Сойбўйидаги “Тантаналар саройи”да Ёзёвон тумани ҳокими кубоги учун “Заковат” интеллектуал ўйинининг туман босқичи ўтказилди. 40 та мактабдан келган ўқувчилар жамоалари ўзаро билимларини синовдан ўтказишди.

Ушбу турнир баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтказилди. Зукколар ўз

сўзларини айтишди. Якуний натижаларга кўра, 6-мактаб 1-, 22-мактаб 2-ҳамда 1-мактаб жамоаси 3-ўринга сазовор бўлишди.

Билимдонлар ўйинининг ғолибларини тақдирлаш маросимида туман ҳокими Дилшоджон Джаллилов “Заковат” интеллектуал ўйинининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Бу борада

туманимизда катта тажриба борлиги айтилиб, вилоят босқичига чиққан учала жамоага омадлар тилади.

Фахрли ўрин соҳиби бўлган жамоаларга туман ҳокимлигининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Раҳматилло ШОДМОНОВ.

Кураш

ТУМАН ПРОКУРОРИ КУБОГИ УЧУН

Юртимизда ҳар бир соҳага эътибор берилаётгани, айниқса, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини орттириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида жойларда турли хил спорт мусобақалари ташкилланаётгани аҳамиятлидир.

Спорт мактабида туман прокурори ташаббуси билан миллий спорт тури бўлган кураш бўйича туман прокурори кубогига старт берилди.

Мусобақада туман прокурори Жаҳонгир Акбаров, ҳоким ўринбосари Шероз Мирзалиев, ММТБ, ёшлар ишлари агентлиги, спорт мактаби, ОАВ вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда туман прокурори Ж.Аkbаров спортнинг инсон ҳаётидаги тутган ўрнига урғу бериб, курашчиларга омад тилади.



Ушбу мусобақани ўтказишдан асосий мақсад – миллий курашимизни ёшлар ўртасида янада ривожлантириш, улар орасидан муносиб полвонларни саралаб олиш ҳамда бўлажак жаҳон ва олимпия чемпионларини етиштириб чиқаришдан иборатдир.

"ЗАРБДОР ТАЖРИБАСИ" АМАЛДА

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятини комплекс ривожлантиришга бағишланган йиғилишда Олтинқул туманидаги тадбиркор зовурни ёпиқ тизимга ўтказиб, 1,1 гектарда 20 та савдо ва сервис объекти қургани, туман ҳокимлари ҳеч бўлмаганда 30 километр зовурни шу тизимга ўтказса, 1 мингга савдо-сервис объекти, 10 минг иш ўрни яратиш мумкинлигини кўрсатиб ўтди.

Туманимизда бу борада ижобий ишлар бошланган. Марғилон-Улғунор йўлининг Тошхўвуд маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 150 метр зовур кўмилди. Ҳозирда 40дан ошқ сервис, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчалари

учун қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Ёзёвонсой бўйида тадбиркор томонидан дам олиш туристик маскани бунёд этиляпти.

Туман ҳокими Дилшоджон Джаллилов Тошхўвуд МФИ ҳудудидаги маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўконлари қурилиши билан танишиб, масъулларнинг ҳисоботини эшитди.

Урганиш мобайнида ишлар суи кетаётгани танқид қилинди. Бошқа лотларга тадбиркорлар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди. Маълумот ўрнида, мазкур ҳудудларда замонавий пиёдалар йўлакчаси барпо этилиб, кўча чиқоқлари ўрнатилади.

Аҳмаджон
РАҲМОНҚУЛОВ.

МЕҲР УЛАШИЛДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ҳукуматимиз қарорларига асосан туманимиздаги асосан шундай ёшларни эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда “Меҳр дафтари” жамғармасидан асбоб-анжомлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

“Меҳр дафтари”даги болаларга жамламаларни

топшириш маросимида туман ҳокими Дилшоджон Джаллилов бош ҳокимият вакиллари ва қарамоғига олган ота-оналар иштирок этдилар. 12 нафар ана шундай болаларга эҳтиёж ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда “Меҳр дафтари” жамғармасидан 117 млн сўм маблағ эвазига ноутбук, тикув машиналари, даволанишлари учун сертификатлар топширилди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 феврал кунги “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорига асосан, меҳнат бозорига кириб келадиган олий таълим муассасалари битирувчиларини бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигига кўмаклашиш вазифалари белгиланган.

28-болалар мусиқа ва санъат мактабида олийгоҳларда ўқиётган туманимиз талабалари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув аввалида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Очиқ мулоқот тарзидаги учрашувда туман ҳокими

ўринбосари Шероз Мирзалиев, ММТБ, ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Фарғона давлат университети ва “Алоқабанк” вилоят филиали масъуллари иштирок этишди.

Самимий мулоқот тарзида ўтказилган учрашувда ёшлар томонидан мурожаат ва таклифлар берилди.

Жумладан ёшлар томонидан ўз бизнесларини бошлашлари учун имтиёзли кредит олиш масаласи, битирувчиларни иш билан таъминланиши ва улар томонидан турли таклифлар билдирилди.

Масъуллар ёшлар томонидан йўлланган таклифларни белгилаб, мурожаатларга батафсил жавоб беришди.

"МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА"
МУХБИРЛАРИ.

РАҲБАРНИНГ ОДОБ ҚОИДАЛАРИ

“Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Ҳар қандай давлатнинг халқаро майдондаги мавқеи ушбу давлатда қонун устуворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги қай даражада таъминланганлигига қараб белгиланади. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу соҳани халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ривожлантиришга стратегик аҳамиятга эга вазифа сифатида қаралмоқда. Судьянинг мустақиллиги, дахлсизлиги, улар фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмаслиги давлат томонидан қаролатилган, шу билан бирга моддий ва ижтимоий таъминот даражасининг юқорилиги одил судловга эришиш — қонуний, асосланган ва адолатли суд қарорларини чиқарилишининг асосий омилларидан биридир.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган бош мақсад судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, кўрилаётган ишларнинг сифатини ошириш, тизимда ҳолис, адолатли, қонуний қарорлар қабул қилиниши орқали халқимизнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтиришга қаратилганлиги барчамизга яхши маълум. Зотан, одамларнинг давлатга нисбатан ишончи энг аввало судларга ишончи ортиши билан шаклланади.

Ҳар қайси маконда, ҳар қайси замонда судьялик касби доимо жамият эътиборида бўлиб келган ва унинг маънавий-ахлоқий сифатига нисбатан қатъий талаблар қўйилиб келинган. Судьянинг касбий одоб-ахлоқи юридик одоб-ахлоқнинг бир қисми бўлиб, у судья ва процесс иштирокчиларининг иш жараёнида ва ишдан ташқари вақтларидаги маънавий-ахлоқий, касбий муносабатларига доир масалаларни ўрганиш ва ривожлантириш билан шуғулланади. Судья ўз фаолиятини судьялар одоб-ахлоқи талабларини бажармасдан амалга ошира олмайди, чунки ушбу фаолият асосини жамиятда тарихан шаклланган маънавий ва ҳуқуқий талаблар ташкил этади. Шу билан бирга судьялар одоб-ахлоқининг ўзига хос томони шундаки, унга ихтисослашувидан қатъи назар туман(шаҳар) судьялари, вилоят суди судьялари, Олий суд ва Конституциявий суд судьялари риоя қилишлари шарт ва мажбурийдир.

Айрим раҳбарларда учрайдиган юқорида-гидек камчилик, иллат ва қусурлар қачон пайдо бўлади? Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бундай ҳолатларга кўпинча унинг атрофидаги доимий мулоқотда бўладиган одамлар, дўст ва улфатлар давралари таъсир қилиши мумкин.

Судья хизматдан ташқари, яъни кундалик турмуши давомида ҳам доимий равишда жамоатчилик диққат-эътиборида бўлади.

Яъни жамоатчилик бошқа одамларга нисбатан судьянинг юриш-туришини, ҳулқ-атворини синчковлик билан кузатади ва унга баҳо беради.

Агарда судьянинг хатти-ҳаракатида унинг обрў-эътиборига путур етказадиган ёки унинг ҳолислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар кузатилса, ўз-ўзидан аёнки жамоатчиликда суд ҳокимиятига бўлган ишонч йўқолади.

Одоб қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий омилларни камайтирилиши биринчи навбатда суднинг асосий вазифаси бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда қаролатилган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишига, фуқароларнинг судга нисбатан ишончи ва ҳурматини ошишига, одил судловга эришишга катта хизмат қилади.

Дилшоджон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилоят суди судьяси.

Минтақавий семинар

БЕШАРИҚДА ИШЛАР БЕШ

ёҳуд миллиардер туман газетаси

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан Бешариқ туманида “Босма нашрлар: тажриба, муаммо ва ечим” мавзусида минтақавий семинар ташкил этилди.

Фарғона, Андижон ва Наманганлик журналистлар иштирокида “Бешариқ тонги” газетаси тажрибаси ўрганилди.

Семинарда маълум қилинишича, ўтган йили “Бешариқ тонги” газетаси қарийб 5000 нусхада чоп этилган. 2025 йил учун газета муассиси — Бешариқ тумани ҳокимлиги, шахсан туман ҳокими Расулжон Жўраев ва таҳририят жамоасининг сўй-ҳаракати билан 4200 нусха обуна ташкил этилган. Бир пайтлар 18 минг тиражда чиққан мазкур нашр ҳозирги кунда 4 саҳифада, 4 хил рангда чоп этилмоқда. Обуна пуллари таҳририят ҳисобига туширилган. Ҳозирда газета ҳисоб рақамида бир миллиард сўмдан ошдиқ маблағ бор.

Ўтган йили “Бешариқ тонги” газетаси ўз харажатларидан орттириб, 700 миллион сўм эвазига таҳририят учун замонавий янги бино қурдирди. Бугунги кунда газета жамоаси замонавий мебель ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ана шу шинам бинода фаолиятини давом эттирмоқда.



Меҳмонлар газета фаолияти билан танишдилар. Газета бош муҳаррири, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби Собиржон Темиров эришилган натижалар, муассис ва таҳририят ўртасидаги муносабатлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

Меҳмонлар иштирокида таҳририят ҳовлисида бунёд этилаётган “Журналистлар боғи”га яхши ниятда кўчатлар ўтказилди.

Туман ҳокимлигида тадбир якунига бағишланган йиғилиш бўлди. Уюшма вилоят бўлими раҳбари Муҳаммаджон Обидов газетани, журналистларни қўллаб-қувватлаган туман

ҳокимига миннатдорчилик билдирди. Туман ҳокимига вилоят ҳокими ахборот хизмати раҳбари Масъуджон Сулаймонов вилоят ҳокимининг, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ввб Холмурод Салимов уюшма марказий кенгашининг ташаккурномаларини топширдилар.

Семинар иштирокчилари қуруқ мевалар экспорт қилувчи корхона, 500 минг бош товуқ парваришланаётган ферма, кунига 250 мингта футболка тикилаётган фабрика фаолияти билан ҳам танишдилар.

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ.

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

2025 йил 1 мартдан бошлаб фуқароларга ёшга доир пенсияларни белгиланган ёшга ўлиши муносабати билан алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби жорий этилди. Пенсия тайинлашда “проактив” тизим — бу пенсия олиш ҳуқуқи билан боғлиқ жараёнларни автоматлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган тизимдир. Мазкур тизим дастлаб 55 ёшга тўлган аёлларга ва 60 ёшга тўлган эркак фуқароларга татбиқ этилди.

Адлия вазирлиги томонидан фуқаро умумий белгиланган пенсия ёшига тўлган санада автоматик тарзда фуқаронинг паспорт (идентификация ID-карта) маълумотларини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “Пенсия” ахборот тизимида электрон шаклда юборади.

Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” ахборот тизимида пенсия ёшига тўлган фуқаронинг маҳалла фуқаролар йиғини кесимида яшаш жойи тўғрисидаги маълумотларни олиш учун ахборот тизими орқали электрон сўров юборади.

Пенсия жамғармаси пенсия ёшига тўлган фуқаронинг номига расмийлаштирилган мобил телефон рақамига пенсия тайинлаш масаласи кўриб чиқилиши тўғрисида СМС-хабар юборади.

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими белгиланган муддатда “Пенсия” ахборот тизимидаги мавжуд пенсия ёшига тўлган фуқаронинг иш стажы, иш ҳақи, устама олиш ҳуқуқини берадиган электрон маълумотлар асосида дастлаб фуқаронинг пенсияга бўлган ҳуқуқини аниқлайди, пенсия миқдорини ҳисоблайди ва пенсия тайинлайди.

Фуқаро тайинланган ёшга доир пенсия миқдоридан норози бўлганида ёки меҳнат фаолиятини давом эттириб, ёшга доир пенсияга кейинчалик чиқиш хоҳишини билдирган тақдирда, хабарнома олганидан сўнг 10 кун ичида Пенсия жамғармаси бўлимига ташриф буюрган ҳолда ариза бериш орқали тайинланган пенсияни рад қилиши мумкин.

Маълумотни Пенсия жамғармаси туман бўлим бошлиғи ввб Мухторжон УРМОНОВ тайёрлади.

2024 ЙИЛ ЯКУНИ: ТАҲЛИЛ ВА МУҲОКАМА

Туман фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳудудий комиссияси томонидан йиғилиш ўтказилиб, 2025 йил 17 март кунги 01-19/4-сонли баёнига асосан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2024 йил давомида 135 та давлат тасарруфидаги ва 834 та тадбиркорлик субъектларига қарашли объектларда текширувлар ўтказилди. Шунингдек, ҳаёт фаолиятини таъминловчи ва инсонлар тунда қоладиган объектларда 139 марта тўнги ва 204 марта тезкор текширувлар ўтказилди.

“Чоршанба — профилактика кўни” доирасида 101 марта профилактик тадбирлар ўтказилиб, уларда 4895 нафар иштирокчилар қатнашди ҳамда 3220 та эслатмалар тарқатилди.

Аҳолининг сувда чўкишини олдини олиш мақсадида, туман ҳудудидан оқиб ўтган сой, каналлар ва бошқа аҳолини доимий чўмилиши одат бўлиб қолган чўмилиш рухсат этилмаган ҳудудларда ўтказилган 54 марта суҳбатларда 966 нафар аҳоли қатнашди, 1000 та эслатмалар тарқатилди. Ушбу ҳудудларда жами 20 марта рейдлар ўтказилди, 829 та аҳолига аниқ кўринадиган жойларга “Чўмилиш қатъий таъқиқланади!” белгилари ва ёзувлари

ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелдаги ПҚ-161-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2 та профессионал таълим, 40 та мактаб, 28 та мактабгача таълим ташкилотларида 89 марта ўтказилган давра суҳбатларида 492 нафар ўқувчилар, 67 марта аҳоли ўртасида ўтказилган суҳбатларда 1426 нафар аҳоли жалб этилиб, 1200 дона эслатмалар тарқатилди.

Шунингдек, йиғилишда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2024 йилда бажарилган ишлар юзасидан мутасадди бошқарма, ташкилот, муассасаларнинг ҳисоботлари тингланди, долзарб муаммолар ва йўл қўйилаётган камчиликлар батафсил таҳлил ва муҳокама қилиниб, 2025 йил учун чора-тадбирлар режасининг лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудий комиссияси йиғилиши қарорига асосан 2025 йил 15 март кунидан 15 апрелига қадар вилоятда “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги” ўтказилди.

Тўлқинжон ОТАЖОНОВ,
тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, капитан.
Жаҳонгир ЖҲУРАБОВЕВ,
туман ФВБ ходими, капитан.

Диққат, диққат!

МАКТАББИМИЗ ОЧИЛЯТТИ!

Туманимизда "Коинот" номли хусусий мактаб иш фаолиятини бошламоқда. 2024-2025 ўқув йилининг 4-чораги учун ўзбек ва рус синфлариغا қабул бошланди. Мактабимизда 6-7 ёшли болалар учун мактабга тайёрлов ҳамда 1-синфдан 11-синфга қадар ўқувчилар қабул қилинади. Ўқувчиларга сифатли таълим-тарбия беришда тажрибали устозлар тест ва суҳбат асосида танловдан ўтказилдилар.

курси, IT йўналиши ва спорт тўғрисида) чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилиб, тайёрланади. Буларнинг барчаси учун тўлов бир ойига 1 млн 600 минг сўмни ташкил қилади. Мактабимизда бир оиланинг икки нафардан зиёд фарзандлари таълим олса, тўловдан 10 фоизли, ёлғиз ота ёки она учун 20 фоизли чегирма қилинади. Ўқувчисини йўқотган ўқувчиларимиз мутлақо бепул ўқитилади. Бундан ташқари



Узоқдан келувчи ўқувчилар учун ётоқхона ва автобус хизмати ҳамда 3 маҳал иссиқ овқат мавжуд. Мактабимизда: **аниқ фанлар** (математика, информатика), **ижтимоий фанлар** (она тили, рус ва инглиз тиллари), **табиий фанлар** (физика, кимё, биология ва география), **қўшимча фанлар** (ментал арифметика, араб тили

ҳар ойда ўтказиладиган тест синовларида юқори бал тўплаган ўқувчилар учун директор стипендияси таъсис этилган. Шунингдек мактабимизда ҳар ой якунида "Китобхон оила" танлови ўтказилиб, ғолиблар ҳам директор стипендиясига мушарраф бўладилар. Бизнинг мақсад – сифатли таълим, юксак натижа! Биз сизни кутамиз.



Мактабимиз А-373
Халқаро йўл ёқасидаги
2-политехникум (собиқ
қишлоқ хўжалик коллежи)
ёнида жойлашган.

Мурожаат учун телефон
рақамлари:

91-661-21-02,
91-114-92-25.

МУЎТАБАР ЗОТ

Она — Аллоҳ назари тушган энг олий зот! Оппоқ сутлари қуввати ила улуғланган фарзандлар онаси! Тунлари илҳақ, кунлари барокатли бедор! Шоҳларнинг, Амир Темурдек буюк сиймоларнинг, Навоийдек сўз мулки султонининг устози. Зулфияхонимни тарбия қилган фаришта, дуоғўларимиз. Она! Оналар! Оналаримиз! Бизни дея ўтган умрингиз учун жонимиз фидо бўлсин!

ОЧАМТА

*Хаёт асли бирда азоб, бирда бахтдир,
Гоҳ йиғлатиб, гоҳ қулдирар бизни тақдир.
Суймаганлар бисёр, кимда ишқи нақддир,
Кўзларимга нам югурса, сезган онам,
Мени дея юрак багрин эзган онам.*

*Баъзан тойиб, баъзан чопган қадамларим,
Қилмишлари миш-миш бўлган одамларим.
Юзим қулиб, қалб йиғлаган у дамларим,
Кўзларимга нам югурса, сезган онам,
Мени дея юрак багрин эзган онам.*

*Оқ қорларнинг сони кўп соч ўримида,
Дуолари, сийлатганим, жой тўридан.
Умр сўрай, Аллоҳимдан, қалб қўридан.
Кўзларимнинг қулишини қутган онам,
Мени дея ўзлигини унутган онам!*

Нилуфар РАҲМАТОВА,
"Коинот" номли хусусий мактаб
директори.

Сунъий интеллект

КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ДАРЧА

XXI аср — сунъий интеллект асри. Бугун бу атама фақат олимлар ёки дастурчиларгагина таниш бўлмай, балки ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи ва ота-онанинг тилида, фикрида жарангламоқда. Технологиялар жадал ривожланаётган даврда сунъий интеллект (AI – Artificial Intelligence) инсоният ҳаётининг ажралмас бўлагига айланмоқда. Ана шундай замонавий жараёнлар билан таништириш мақсадида Ёзёвон туман "Коинот" номли хусусий умумий ўрта таълим мактабидида юқори синф ўқувчилари учун "Сунъий интеллект – биз яшайдиган дунё қандай ўзгараётти?" мавзусида мастер-класс ташкил этилди.

Тадбирнинг асосий мақсади – ўқувчиларда сунъий интеллект ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, реал ҳаётда қўлланилиши билан таништириш, шунингдек, рақамли тафаккур, танқидий фикрлаш ва технологик саводхонликни оширишдан иборат бўлди. Мастер-классда сунъий интеллект нима эканлиги, унинг қандай ишлаши, кундалик ҳаётдаги амалий мисоллари (Google Translate, ChatGPT, YouTube тавсиялари, Face ID, автопилот автомобиллар ва бошқалар) ўқувчиларга оддий ва тушунарли тарзда етказилди.

Дарс жараёнида ўқувчилар сунъий интеллект ҳақида қисқа видео лавҳани томоша қилдилар, гуруҳларга бўлиниб, "Сунъий интеллект инсоният учун фойдалими ёки хавфлими?" мавзусида мунозара олиб бордилар. Бу эса уларнинг фикрлаш доираларини кенгайтириш, ахборотни таҳлил қилиш ва ўз нуқтаи назарини химоя қилиш каби муҳим компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилади.



Мастер-класс якунида сунъий интеллект билан боғлиқ келажақ касблари – дастурчи, дата-аналитик, робототехника муҳандиси, AI-тадқиқотчи ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Бугунги ёш авлодни ушбу соҳаларга йўналтириш, уларнинг келажақдаги касб танловига ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

Шу ўринда бир ҳақиқатни таъкидлаш лозим: таълим сунъий интеллектни тушунишдан эмас, уни яратишга қодир шахсларни тайёрлашдан иборат бўлиши керак. Ана шундай маънавий ва илмий-маърифий руҳдаги дарслар, албатта, келажақда етук мутахассислар шаклланишига хизмат қилади.

Ойбек РЎЗИЕВ,
"Коинот" номли хусусий мактаб
информатика фани ўқитувчиси.

Қарор ва ижро

ТУШУНЧАГА ЭГА
БЎЛИШДИ

Туман ҳокимлигида боғдорчилик ҳамда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари семинари бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими Дилшоджон Джалилов, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Жаҳон банки масъуллари иштирок этдилар.

Учрашувда масъуллар Президентимизнинг 2025 йил 8 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-136-сон қарори ижроси бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар, ундаги имтиёзлар ҳақида

батафсил тушунтирилди, видеоролик намойиш этилди.

Шунингдек, 2025 йилда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида амалга оширилаётган ҳудудий ва халқаро инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан мулоқот қилиниб, муаммо ва таклифлар муҳокама қилинди.

Иштирокчилар қарорда кўрсатиб ўтилган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида тушунчага эга бўлишди.



Эргашали
МАМАДАЛИЕВ,
туман қишлоқ
хўжалиги бўлими
мутахассиси.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ
120 ЙИЛЛИГИ

40-мактаб фаоллар залида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят ижтимоий суғурта бўлими мудири М.Ярбекова ва етакчи мутахассиси Х.Мамазияева Касаба уюшмаларининг 120 йиллиги ҳамда йўлланмалардан мақсадли фойдаланиш бўйича ўқув-семинар ўтказдилар. Уқув семинарда касаба уюшмалари аъзолари қатнашдилар. Семинарда йўлланмалардан самарали фойдаланиш бўйича, касаба уюшмалари тарихи ва бугунги кунда олиб борилаётган ишлари ҳақида атрофлича тушунча берилди.

Семинар қатнашчилари томонидан берилган саволларга маърузачилар жавоб бердилар.



Соибжон СОДИҚОВ,
агросаноат ходимлари касаба уюшмаси раиси.
Гулнозахон АКБАРОВА,
"Баркамол авлод" болалар мактаби
касаба уюшмаси раиси.

ЖАДИДЛАР ИЗИДАН

Мактабимизда "Жадидчилар изидан" номли тўғарак машғулоти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир маърифатпарвар жадидчимиз Исҳоқхон Ибротнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Тадбир давомида ўқувчилар ва педагоглар Исҳоқхон Ибротнинг ўзбек халқини илмий ва маънавий тараққиётга қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди. Тўғарак иштирокчилари Иброт бобомизнинг илмга, ўқишга, замонавий билимларга тарғиботчи бўлган асарлари, таржимонлик фаолияти, мактаб ташкил этиш йўлидаги хизматлари ҳақида тақдиротлар тайёрлашди.

Тўғарак машғулоти ўқувчилар томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, шеърлар ва интерфаол савол-жавоблар



билан янада бойитилди. Тадбир якунида фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Бу каби тадбирлар ўқувчиларнинг тарихий меросга бўлган қизиқишини ошириб, уларни мустақил фикрлашга, ўзлигини англашга ундайди.



Илмиддин
БОЛТАБОВЕВ,
17-мактаб директори.

ТАНЛОВ ЎЗИНГИЗДАН

Биламизки, китобни таъбир жоиз бўлса, хазина, деб атаган бўлардик. Китобни очишимиз билан ҳаёлимизга илк келадиган нарсаси – бу бадий асардир. Дарҳақиқат, бадий асар инсон маънавияти, салоҳиятининг ривожланиши учун энг катта омил ҳисобланади. Шунинг учунми, халқимиз тилида китоб ўқиб билим ва муносиб тарбия олиш, касб-хунар ўрганишнинг аҳамиятига доир мақоллар жуда кўп. Жумладан, "Китобсиз ақл – қанотсиз қуш", "Билим – ақл чироғи", "Ўзаллик – илму маърифатда". Бундай ҳикматли нақллари яна узоқ давом эттириш мумкин. Неча минг йиллардан буён инсонларга тўғри йўлни кўрсатиб келаётган, уларнинг билимли, тарбияли, касб-хунари ва албатта бахтли бўлишининг муҳим омили – бу китобга дўст бўлиш ва китоб ўқишни қанда қилмасликдир. Айниқса, ёшларнинг ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни катта. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди.

Маълумки, биздан аввалги аجدодларимиз, китоб ўқиш учун кутубхоналарда кўп вақтларини ўтказганлар. Айни дамда эса, электрон кутубхоналар, электрон китоблар талайгина. Деярли қайси манзилда бўлманг, дунёнинг барча сара асарларини китобхонага айлана оласиз.

Баъзи кишилар электрон манбалар тарафдорлари эмас. Улар анъанавийликни хуш кўрадилар. Ваҳоланки, орадан қанча йиллар вақт ўтиб, қанчадан қанча қўлланмалар, йўриқномаю тавсиялар чоп этилганига қарамай ҳали ҳам кутубхонада мутолаа қилиш мазаси аҳамиятини, ўрнини йўқотган эмас. Аҳли китобхон учун бундай савол ҳар доим кўндаланг туришини ҳисобга олиб, телефон ёки компьютердан ўқиш афзалми ёки китобнинг ўзини варақлаб баҳра олиб ўқиган маъқулми, деган саволни кўндаланг қўйиб, ҳар иккаласини тарозининг икки палласида ўшладик. Аввало, китобни қандай ўқиш кераклиги бўйича ҳар кимнинг танлови, диди, фикри турфа ва ўзига хос, аммо бунинг ҳам билиб қўйиш асло зарар қилмайди...

Китобни ўқиш жараёнида савол туғилиши ёки тушунарсиз

жумлалар пайдо бўлиши табиий. Айни дамда электрон манба бўлса, мақсадга мувофиқ. Зотан, сиз излаган мавзунинг кўриб чиққунизгача, қидириб топқунизгача бадий муҳитдан чиқиб кетишингиз мумкин. Телефонда эса керакли манбалар, иловалар талайгина.

Китобни ҳар доим ҳам қўлингизда кўтариб юра олмайсиз. Лекин алоқа воситангиз ҳамиша кичкина жой эгаллайди ва доимо ёнингизда бўлади. Яъни китоблар учун катта-катта сумкаларга ҳожат йўқ.

Бундан ташқари китобни ёмғирда ўқишни севувчилар учун ҳам электрон манбалар мақсадга мувофиқ. Китобим шалаббо бўлди, деган баҳоналар ўтмайди.

Айримлар кўз нурунинг муаммоси сабаб, электрон манбалардан воз кечадилар. Аммо бу ҳам пичоққа илинадиган баҳона эмас. Боиси, ҳозирги даврда айнан мутолаа учун махсус кўзойнақларнинг тури, ҳажми, шунингдек сиз учун мўлжалланганини топишда муаммо йўқ. Ҳатто, нархлари ҳам китобхонни чўчитмайди.

Яна бир томони маблағ масаласида ҳам чўнтакка фойда. Электрон китобларнинг кўплари бепул улашилади. Катта кутубхоналарда ҳар бир китобнинг электрони ҳам мавжуддир.

Дарвоқе, яна ўқиш пайти турфа қайдлар ёзиш, муддат ва белгилар қўйиб ўқиш, қўлингиздан келса, шапалоқдек тақризча ёзиб, бир четга олиб қўйиш ҳам электрон қўрилмангизда анча қулай бўлиб, иқтидорингиз бўлса, суврат-пуврат чизиб қўйиш ҳам зиён қилмайди. Бари сизнинг фойдангизга ишлайди...

Хулоса қилиб айтганда, бизнингча электрон мутолаанинг ҳам зиёни йўқ. Лекин бизнинг замонамизда ҳар ким ўзига қулай манбадан фойдаланиши мумкин. Муҳими, ҳамиша дунёқарашингизни ўстирадиган, руҳингизни тозартирадиган, фикрингизни чархлайдиган китобларни ўқинг! Ҳар куни қулай вақтда! Бу сизнинг танловингиз албатта.

Гулибарно АСОМИДДИНОВА,
Фарғона давлат
университети чет тиллари
кафедраси ўқитувчиси.
Ибодатхон РУСТАМОВА,
Фарғона давлат
университети доценти.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ
КЕЛГУСИ СОНЛАРИДА:

*Муҳаммадрасул КИМСАНБОВЕВ:
"ЁЗЁВОН ҲАҚИДА РИВОЯТ ВА
ҲАҚИҚАТЛАР"

*"МУРОЖААТ ЁЗЁВОН"ГА
БЕФАРҚ МУТАСАДДИЛАР"

*"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" МАССИВИ
МУАММОЛАРИ"



Бош муҳаррир
Азимжон
худойқулов

Фарғона вилоят
матбуот ва
ахборот бошқар-
масида 2007 йил 9
январда
12-011 рақам билан
рўйхатдан ўтган.
Бичими А-3.

ISSN 2010-7986



Газета ойда уч
марта чиқади

Газета
тахририятига
юборилган
сурат ва
қўлёзмалар
қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
150600, Ёзёвон
шаҳарчаси,
Мустиқлик
кўчаси, 1-уй

ТЕЛЕФОН:
(73) 412-15-75

Навбатчи:
Малик
БОЙМАТОВ

«ZAKOVAT
NASHRIYOT UYI» МЧЖ
босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили:
Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси-17

Бичими: А-3.
Адади: 2312
Нашр
кўрсаткичи: 488.

Буюртма № ____
Босишга
топириш вақти:
20.00.
Топирилди:
18.00.

Газета сифати
учун босмахона,
масъул.
Сотувдаги баҳоси
эркин нархда.
-тижорат
материали